

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5510400 - 3.22

2019 йил “15” 04



ҚИСМАН ОЛИБ ҚЎЙИЛАДИГАН ТИШЛАР БИЛАН ПРОТЕЗЛАШ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500 000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш

Таълим йўналиши: 5510400 – Стоматология

лабораторная техника). Учебник. – Нижний Новгород. НГМА. 2000 г.

5. Семенов В.М., Вагнер В.Д., Оngoев П.А. Стоматология ортопедическая в вопросах и ответах. Учебное пособие. – Нижний Новгород. НГМА, 2000 г.

6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017 й.

7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017 й.

8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2016 й.

Интернет сайтлар:

1. <http://www.ziyounet.uz>
2. <http://www.edu.uz>
3. <http://www.pedagog.uz>
4. <http://www.tdsi.uz>,
5. <http://www.lex.uz>
6. <http://www.dental.md>;
7. <http://www.stomatolog.ru>;
8. [;](http://www.newdent.ru;9. <a href=)
10. <http://www.dentoday.ru>

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил “25” 04 даги “404” – сонли буйруғининг 1 -иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил “15” 04 даги “1” – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашда маъқулланган, ОУМТВнинг 2018 йил “4” 12 даги 1000 -сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент давлат стоматология институтида (ТДСИ) ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Акбаров А.Н. – ТДСИ “Факультет ортопедик стоматология” кафедраси муdiri, т.ф.н., доцент
Арсланов О.У. – ТДСИ “Факультет ортопедик стоматология” кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.
Алиева Н.М. – ТДСИ “Факультет ортопедик стоматология” кафедраси ассистенти, т.ф.н.
Туляганов Ж.Ш. – ТДСИ “Факультет ортопедик стоматология” кафедраси ассистенти

Тақризчилар:

- Нигматов Р.Н. – ТДСИ “Ортодонтия ва тишларни протезлаш” кафедраси муdiri, профессор, т.ф.д.
Алимов А.С. – ТВМОИ “1-сонли стоматология” кафедраси муdiri, т.ф.д., профессор

Фан дастури Тошкент давлат стоматология институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2019 йил “24 - май” даги “8” –сонли баённома).

- Аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

- Симуляцион ўқув клиник компьютер дастурлар билан ишлаш;
- Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;

- Фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- Илмий мақола, аңжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;

- Вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;

- Кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш.

Шунингдек талабанинг мустақил иши бўлиб:

- График органайзерлаш ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- Кроссвордлар тузиш ва ечиш;
- Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва х.к.

Фан бўйича курс иши (лойиҳаси)

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари Асосий адабиётлар

1. Ирсалиев Х.И., Хабилов Н.Л., Акбаров А.Н., Нигматов Р.Н. Ортопедик стоматология. Факультет курси. - Тошкент. Global books. 2018 й.
2. Ирсалиев Х.И., Нигматов Р.Н., Хабилов Н.Л. Ортопедик стоматология. Дарслик. – Тошкент. Янги аср авлоди. 2011 й.

Қўшимча адабиётлар

1. George A. Zarb. Prosthodontic Treatment for Edentulous Patients. Mosby. Textbook. 2013.
2. McCracken's. "Removable Partial Prosthodontics" Mosby. 12 edition. Textbook. – Canada. 2010.
3. Аболмасов Н. Г. Аболмасов Н. Н. Бычков В. А. Шамигурина В. Р. Ортопедическая стоматология. Учебник. – Смоленск. Мед-пресс информ. 2003 г.
4. Жулев Е.Н. Частичные съёмные протезы (Теория, клиника и

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни
 Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва стоматология малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўлланган ҳолда, талабани назарий маъ-лумотидан бошлангич амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга имкон ярадади. Дастурнинг мақсад ва вазифаларини ечими якунида талаба горизонтал ва вертикал интеграция жараёнларида олган билим ва амалий кўникмаларни клиник уйғунлаштириб, етуқ, рақобатбардош, мустақил клиник фикрлаш қобилиятига эга бўлган умумий амалиёт стоматологига бўлиб шаклланади.

Дастур қисман олиб қўйиладиган тишлар билан ортопедик даволашнинг эстетик асосларини ўз ичига қамарайди, қисман олиб қўйиладиган протезлар клиник ва лаборатор босқичлар, бўлғуси умумий амалиёт стоматологиде клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратиб беради.

Ушбу ўқув дастур фундаментал ҳамда клиник фанлар билан узвий боғланган равишда ўрганилади ҳамда талабаларга амбулатор қабулга етарли даражада бўлган асосий кўникмаларни егаллашларига имкон ярадади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Қисман олиб қўйиладиган тишлар билан протезлаш фанини ўқитишдан мақсад - замонавий технологияларни ўқиш жараёнига жалб қилиб, бўлғуси умумий амалиёт стоматологига протез турларини тўғри танлаш ва қисман олиб қўйилувчи протезларни тайёрлашнинг клиник лаборатор босқичларини, қисман олиб қўйилувчи протезлар билан протезлашни, нотўғри протезлашдан кейинги асоратларни ва қисман адентияни олдини олиш, ўргатишдан иборат.

Фанининг вазифаси:

- қисман олиб қўйиладиган тишлар билан протезлаш фани хақида тушунча бериш;
- тиш-жағ тизимининг анатомо-физиологик тузилишини ўргатиш;
- ортопедик стоматологияда асосий ва қўшимча текшириш усулларини қўллаш;
- тиш, тиш қаторларини ва жағ суякларидаги нуқсонларини бартараф этиш;
- ортопедик стоматологияда қўлланиладиган асосий ва қўшимча хом-ашёларнинг турлари билан таништириш;
- протезлаш жараёнидаги асоратлар ва уларни олдини олиш чора-тадбирлари

6. Симдан эгиб тайёрланган илгақларга бўлган талаблар. Ушлаб турувчи илгақларнинг таянч тишга ва альвеоляр ўсимтага нисбатан жойлашуви.
 7. Юқори ва пастки жағларда олиб қўйиладиган протез асосини чегарасини аниқлаш.

8. Марказий окклюзияни аниқлашдаги ҳатоликлар.
 9. Протез асоси пласмассаларининг турлари ва уларнинг хусусиятлари, оғиз бўшлиғи шиллик қавагини дискриминацион сезгирлиги тушунчаси.

10. Ёйли протезлар билан даволашга кўрсатмалар. Юқори ва пастки жағда ёйсимон протезлар асосини чегаралари

11. Тиш қаторларининг нуқсонини Гаврилов, Грозовский ва Оксман бўйича таснифи.

12. Таянч ушлаб турувчи илмоқнинг таянч қисми учун окклюзион юзасидан жой чархлаш, таянч-ушлаб турувчи илмоқларнинг турлари ва улардан фойдаланиш усуллари.

13. Тиш экватори хақида тушунча ва уни оралик чизикдан фарқлаш, параллеломернинг ишлаш принципи.

14. Қисман тишсиз жағларнинг таснифи, оғиз бўшлиғи шиллик қаваги ва альвеоляр ўсиклар атрофиясининг этиология ва патогенези, адгезия ва анатомик ретенция хақида тушунча, оғиз бўшлиғидаги ўтув бурмани ва

А чизикни
 15. Сунъий тишларни теришда тишсиз жағларни альвеоляр ўсигини анатомик тузилишини хусусиятларини ҳисобга олиниши.

16. Полимеризация жараёни ва тартиби, протезга охириги ишлов беришда ишлатиладиган асбоб, ускуналар. Пластмасса полимеризациясини тартибини бузилиши ва уларни бартараф қилиш.

17. Тишлов баландлигини бузувчи оғиз ичидаги ва ташқаридаги белгилар.

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Аудитория машгулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида, талабалар поликлиникасида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш
- Бирламчи бўгин тиббий муассасаларида аҳолини профилактик кўрик, беморларни диспансерлаш, патронажларда қагнашиш;
- Беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;

хамда соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни ўргатиш.
Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига куйидаги талаблар қўйилади.

Талаба:

- талабаларни тиш қаторини қисман адентияси;
- адентия клиникаси ва текшириш усуллари;
- протез майдони тўқималарини баҳолаш усуллари;
- оғиз шиллик қавати характеристикаси (Суппле, Люнд) «ўтувчи бурма», «берилувчанлик»;
- ҳаракатчан шиллик қават;
- оғрикка бўлган сезгирлик ва уни аниқлаш усуллари;
- тиш қаторларининг барча нуксонларида жағларнинг марказий окклюзияси ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;
- ҳар хил турдаги қолип олиш асосларини;
- тиш қаторларининг ўрта ва қатта нуксонларида беморни объектив текшириш усулларини;
- замонавий стоматологик ускунада ишлашни;
- ҳар хил турдаги қисман олиб қўйиладиган тишлар билан протезлаш учун кўрсатмалар асосларини;

- соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;

- босимли ва босимсиз функционал қолип олиш;
- гипсли модел қуйиш;
- ҳар хил клиник кўринишда марказий окклюзия ва тишлов баландлигини аниқлаш;
- моделда мумли асос ва мумли тиш болишчаларни тайёрлаш *амалий кўникмаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-маву. Қисман нуксонларнинг таснифлари. Кеннеди таснифи,

Эпплгейт қондалари. Таянч тишларга бўлган талаблар. Таянч тишларни буюгел протез билан даволашга тайёрлаш.

Протез майдонининг тўқималарини объектив текшириш усуллари. Қисман олиб қўйилувчи пластинкали тиш протез турлари ва уларнинг салбий ва ижобий хусусияти. Юқори ва пастки жағларнинг протез чегараси. Протез майдонининг анатомик ва топографик хусусияти. Марказий окклюзияни аниқлаш асослари ва сунъий тишларни териш асослари. Кламмер тури. Турли хил қисман тишсизликда марказий окклюзияни аниқлаш асослари. Сунъий тишларни танлаш ва териш мезонлари. Васильев

чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва х.к. ишлатилиши лозим. Интерфаолик шунда намоён бўладикки, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитиладиган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда, яъни командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўғринчи босқич – хулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўғринчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, касаллик тарихини ёзиб химоя қилганда баҳоланади. Тиш қаторлари нуксонларининг барча клиник турларида касаллик тарихини ёзиш ва химоя қилиш кўзда тутилади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштирма олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

Амалий кўникмаларни шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажарилади ва кундалик (амалий кўникма) дафтарларида акс этади. Амалий кўникмалар ассистент-талаба, талаба-фантом, талаба-волонтер, талаба-бемор услубида автоматизм даражасига етказиш лозим.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Оғиз бўшлигини протезлашга комплекс тайёрлаш. Беморни ортопедик стоматологик муолажалар ўтказиш олдида психотерапевтик тайёрлаш.
2. Қолип олувчи материалларнинг таснифи. Қолип олувчи материалларга бўлган талаблар
3. Ортопедик стоматология амалиётида ишлатиладиган пластмассаларнинг таркибий тузилиши, хоссаси ва турлари.
4. Тиш қаторлари қисман адентияси таснифи.
5. Кеннеди бўйича тишларни қисман йўқ беморларни текшириш: оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг анатомик хусусиятлари, оғиз бўшлиғи шиллик қаватини қон билан таъминланиши ва иннервацияси.

бўйича сунъий тишларни териш асослари. Қисман адентиянинг профилактикаси.

2-маву. Бюгел протезларга кўрсатмалар, таркибий қисмлари.

Бюгел протезларнинг ёйлари (катта коннекторлар). Кичик коннекторлар. Уларнинг вазифаси, турлари.

Қисман олиб қўйилувчи пластинкали тиш протезни ўлчаш ва топшириш босқичлари. Протезлашда мумкин бўлган хатоликлар ва асоратлар, уларни олдини олиш. Ёйли тиш протезларни таркибий қисмлари. Беморларга гигиеник асосларни ўргатиш. Ёйли тиш протезларни тайёрлашнинг клиник-лаборатор босқичлари. Нея тизимдаги ушлаб турувчи таянч кламмерларнинг тури, тахтакачли ёйли протезларнинг кўрсатмалари. Тахтакачли тиш протезларнинг тайёрлашда параллелометрия қўлланиши. Ёйли тиш протезларнинг тиш қаторларига ўрнатилган мезонлари. Беморга маслаҳат бериш.

3-маву. Кламмерлар (тўғри ретейнерлар), уларнинг турлари, вазифалари. Кламмерларнинг таркибий қисмлари. Кламмерларга бўлган талаблар. Аттачменлар. Уларнинг турлари.

Қисман тишсизликда юз-жағ соҳасини текшириш усуллари. Тишсиз жағларнинг тузилиши ва муносабати, ва уларнинг таснифи. Алвеольар ўсиқларни шиллик қаватини берилувчанлиги ва ҳаракатчанлиги. Таснифи. Таъхис. Қисман олиб-қўйилувчи тиш протезларнинг фиксация ва стабилизацияси. Юқори ва пастки жағларда тўлик олиб-қўйилувчи протезларнинг чегаралари. Қисман тишсиз жағларда тўлик олиб-қўйилувчи протезларнинг фиксацияси асосида биофизик ва функционал факторлар. Функционал сўрилувчанлик тушунчаси. Қисман тишсиз жағларда анатомик ва функционал қолип олиш. Қисман тишсиз жағларда марказий окклюзияни аниқлаш.

4-маву. Ёйсмон протезларнинг бошқа турдаги фиксацияловчи элементлари. Бюгел протезни ёйини оғизда текшириб кўриш.
Ортогнатик ва бошқа физиологик тишловларда окклюзия ва артикуляция қонуниятлари. Қисман тишсиз жағларда ёйли ва қисман олиб-қўйилувчи протезларнинг ҳаракатини таъминлаш. Сунъий тишларни анатомик териш усуллари. Тишсиз жағларда тиш қаторларини тиклашда “Сферик” назариясини ахамияти. Икки қаватли ва металл асосли тўлик олиб-қўйилувчи протезларнинг тайёрланиши.

5-маву. Замонавий хом ашёлардан (валлпласт, кадротти) ёйли протезларни тайёрлаш. Уларни ижобий ва салбий томонлари. Ёйли протезларни тайёрлаш жараёнида учрайдиган хато ва асоратлар, уларни олдини олиш ва бартараф этиш. Қайта юзалаш (перелицовка) ва қайта

талаба беморни касаллик тарихини тўлдиришни, турли хил тиш протезларни тавсия қилиш, тиш протезлаш босқичларини ўқитувчи назорати остида мустақил равишда бажара олишни амалга оширишни лозим. Барча амалий кўникмаларни бажарилишини кундалик дафтарга ёзиб боради ва амалий машғуллот якунида ўқитувчи томонидан баҳоланади.

Амалий машғуллотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғуллотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб анжомлар ишлаш механизми, ишлатилиш қоидалари билан талабалар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни кадамма-кадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намойиш этилади, алгоритм асосида босқичма-босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, талабалар ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, сўнг умумлаштирган ҳолда тўлик ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга руҳсат берилди (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар кадамма кадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва х.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши ва керакли шарт шaroитлар (максимал даражада иш шарoитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғрилайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеоасвирга олиниб ўзига намойиш этилиши, танкидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани тақдорлайди. Интерфаоллик шунда намoён бўладик, бунда бошқа талабалар экспeрт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирилганини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма автоматизм дeрасигача eтказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич – ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилиқ ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб

17. Эластик асосли қисман олиб қўйиладиган пластинкали протез тайёрлашга кўрсатмалар, тайёрлашнинг клиник-лаборатор босқичлари.

Амалий машғулотлар мультимедиа курилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик таъминларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадни аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада нагжани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш;
- Тиш қатори нуқсонларнинг барча клиник турларида касаллик тарихини ёзиш.

Қисман олиб қўйиладиган тишлар билан протезлаш фани бўйича клиник амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўникмалар рўйхати:

1. Босимли ва босимсиз функционал қолип олиш;
2. Гипсли модел қўйиш;
3. Ҳар хил клиник кўринишда марказий окклюзия ва тишлов баландинигини аниқлаш;
4. Моделда мумли асос ва мумли тиш болишчаларни тайёрлаш.

Ўқув клиник амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар
Талабаларнинг “Қисман олиб қўйиладиган тишлар билан протезлаш” фани бўйича клиник ўқув амалиёти таълим жараёнининг 50%ини ташкил қилади ва ортопедик стоматология поликлиникаси ва ўқув техник лабораториясида ўтказилади.

Амалий машғулотни назарий қисми ўзлаштиргандан сўнг профессор-ўқитувчи талабалар билан тематик беморни кўриқдан ўтказиш учун поликлиника шароитида клиник ўқув амалиёти қисмини ўтади. Талаба мустақил равишда беморни кўриқдан ўтказишни, шикоятларни йиғишни ва касаллик тарихини тўлдирини ўзлаштиради. Оғиз бўшлиғини клиник ҳолатини объектив баҳолашни, альвеоляр ўсимталарни, танглай гүмбази, шиллик пардани ҳолатларини, клиник баҳолашни ўзлаштиради. Оғиз бўшлиғини протезлашга тайёрлаш кераклигини мустақил баҳолашни ҳамда зарур бўлган мутахассисларга юбориш мезонларини ўзлаштиради. Барча

асослаш (перебазировка) тунунчалари.

Ёйли протезларнинг тайёрлашда келиб чиқадиган хато ва уларни асоратлари. Тишсиз жағларда тўлик олиб-қўйилувчи протезларнинг тайёрлашдаги хатоликлар (клиник ва лаборатор), ва уларнинг олдини олиш ва тўғрилаш, онкологик эхтиёткорлик. Протезли стоматитлар, этиопатогенези, профилактикаси ва уларни даволаш.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Фан бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (клиник ўқув амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда олиб борилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Тиш қаторларнинг қисман нуқсонлари ва уларни ортопедик стоматологик даволаш.
2. Юқори ва пастки жағларда қисман олиб қўйилувчи тиш протезини асосининг чегаралари. Тишлар қаторларида қисман нуқсонлар бўлганда қолип олиш жараёни.
3. Тишлар қаторларида қисман нуқсонларга қараб, марказий окклюзияни аниқлаш.
4. Ёйли тиш протезларда қўлланиладиган кламмер турлари.
5. Ёйли протезларда қўлланиладиган бошқа фиксацияловчи элементлар. Аттачменлар, уларнинг турлари.
6. Сунъий тишлар турлари. Сунъий тишлар танлаш.
7. Сунъий тишлар теришининг мезонлари. Протезнинг якуний шаклини шакллантириш.
8. Тайёр бўлган бюгель протезини беморнинг тиш қаторига мослаштириш қондалари.
9. Қисман нуқсонларнинг таснифлари.
10. Бюгел протезларнинг ёйлари (кагга коннекторлар).
11. Кламмерлар (тўғри ретейнерлар).
12. Таянч – ушлаб турувчи кламмерлар, таянч қисмининг турлари.
13. Термопластик хом ашёлардан тайёрланган қисман олиб қўйиладиган протезлар билан протезлаш.
14. Денгал имплантация. Имплантация усуллари.
15. Қисман олиб қўйиладиган протезлар билан протезлашда хато ва камчиликлар.
16. Балкали бирикиш тизимлари билан тайёрланадиган пластинкали протезлар.